



# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 2 май, № 87 (6270)

Шанба

Сайтимизга ўттиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислои Каримов 1 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Чой Кёнг Хванни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Корея Республикаси Ҳамкорлик ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ва самарали хусусиятга эга бўлиб, барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда.

Айни пайтда Корея Республикаси Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, инвестиция ва технология соҳаларидаги асосий шерикларидан биридир.

Жанубий Корея бизнесининг

фаол иштирокида мамлакатимизда саноатнинг турли соҳаларида қатор муҳим стратегик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Сўғил қонида барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси, шунингдек, машина-созлик, электр энергетикаси, нефть-газ, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳалардаги ўнлаб лойиҳалар муваффақиятли инвестицион ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир. Бугун Ўзбекистонда Жанубий Корея капиталли иштирокида тузилган 400 дан ортиқ корхона фаолият

кўрсатмоқда. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри инвестициялари умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида ҳам жанубий корейлик шериклар билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. 2014 йилда Тошкентда очилган Инха университетининг филиалида компьютер инжиниринги ва дастурлаш соҳаси мутахассислари тайёрланмоқда.

Корея Республикасининг Эксимбанк, Тараққиёт банки, "EDCF" жамғармаси ва бошқа

кўплаб етакчи молия институтлари билан ҳам шериклик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Жаҳондаги йирик транспорт компанияларидан бири бўлган "Корей Эйр" ҳамкорлигида "Навоний" аэропорти негизда халқаро интермодаль логистика маркази самарали фаолият юритмоқда.

Оқсаройда ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари буйича фикр алма-

шилди. Шу кунларда икки давлат молия вазири учинчи мажлисининг ўтказилиши иқтисодий соҳадаги ўзаро ҳамкорликнинг жорий аҳолини чуқур таҳлил этиш ва янги йўналишларини белгилаш имконини бериши таъкидланди.

Чой Кёнг Хван давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Корея Республикаси Ўзбекистон билан серкирра ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини билдирди.

Ў.А.

Сарқар ҲАМИДОВ оling суратлар.

### Мамлакатимизда кейинги йилларда миллий журналистика сифати, маҳорат ва таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган.



Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти — айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғлиқ бўлади. Айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғлиқ бўлади. Айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғлиқ бўлади.

## «Олтин қалам»:

# Ижодий изланишнинг муносиб эътирофи

Бу жиҳатлар кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» Х Миллий мукофоти учун эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда яна бир бор ўз ифодасини топди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни олдидан ташкил этилган ушбу тадбирда турли вақтларда фаолият кўрсатган журналистик ва таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиш масала-

си доимий эътиборда эканини таъкидлади. Маълумотларга қўра, республикаимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони қарийб 1400 га етди. Мажмӯд босма даврий нашрларнинг 53 фоизи, телерадиоканалларнинг 85 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда. 220 дан зиёд веб-сайтлар ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 98 фоизи нодавлат сектор улушига тўри келади.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ҳамда эллатларнинг етти тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришга туртки бераётган.

(Давоми 2-бетда.)

## ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 1 май куни Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси молия вазириларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг молия, ташқи иқтисодий алоқалар, нефть ва газ, савдо, саноат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тўқимачилик, енгил саноат, қимматли қоғозлар, соғлиқни сақлаш, фан, таълим каби соҳалар учун масъул вазирилик ва идоралар, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов ва Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, стратегия ва молия вазири Чой Кёнг Хван мамлакат-

ларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий, молиявий ва сармоявий соҳаларда муттасил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳужукий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. 2014 йилнинг июнь ойида Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хёнинг мамлакатимизга давлат ташрифи ўзaro кўп қиррали муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Мамлакатларимиз катта иқтисодий салоҳият ва имкониятларга эга. Бу борада икки давлат ўртасида

энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, кончилик, машина-созлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланган.

Инвестиция соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик кўлами ҳам изчил кенгаймоқда. Жанубий корейлик ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билан инвестиция киритиб, қўшма корхоналар ташкил этаётган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машина-созлик, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, сармоя киритишнинг истиқболлари, иқтисодий зоналардаги қулайликлар ва имтиёзлар хусусида сўз юритилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун икки томон ҳам улкан имкониятларга эга экани қайд этилди.

Олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг изчил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, — деди Чой Кёнг Хван. — Жанубий Корея бундан кейин ҳам Ўзбекистонда иқтисодий янада ривожлантириш, саноатни модернизациялаш каби соҳаларда амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этади.

(Давоми 2-бетда.)

## МИЛАН ШАҲРИДА ЖАҲОН КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Италиянинг Милан шаҳрида 1 май куни "Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмаси тантанали равишда очилди.

### «EXPO MILANO 2015»

Президентимиз Ислои Каримовнинг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ Жаҳон кўргазмасида мамлакатимизнинг муносиб иштирок этишига катта тайёргарлик кўрилди. Ўзбекистон салоҳияти ва қудрати, тарихи ва тараққиёти, халқимиз маданияти ва санъатини ўзда мужассам этган миллий павильон яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик матбуот хизматининг

хабар беришича, кўргазмада Ўзбекистон миллий павильони 500 квадрат метр жой эгаллаган. Унда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мамлакатимизнинг иқтисодий ва тарихий салоҳияти, эркин индустриал-иқтисодий зоналари ва қулай инвестиция муҳити, ривожланган транспорт ва логистика инфратузилмаси, бой маданий мероси, тарихий ва замонавий шаҳарлари намойиш этилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Ватанга муҳаббат ва садоқат сабоғи

Кўпни кўрган халқимиз. Элимиз ўзининг узоқ ва яқин ўтмишида саодатли кунлар билан бирга, не-не синову машаққатларни бошдан кечирмаган, дейсиз. Шу боис бугунги тинч ва фаровон, дориланам кунларнинг қадре улғун, қиммати баланд.

### ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Бинобарин, бугун эришяётган барча ютуқ ва марраларимиз юртимиздаги тинчлик ҳамда осойишталик, ўзаро меҳроқибат ва ҳамжихатлик туфайлидир. Шундай экан, тинчликни асраб-авайлаш, қадрга етиш, энг муҳими, шукроналик ҳисси билан яшаш ҳар биримизнинг чин инсоний бурчимиздир.

Мана шу муқаддас тушунчаларни ёш авлод онгига синдиришда яқинлашиб келаётган Хотира ва Қадрлаш куни арафасида мамлакатимиздаги таълим

муассасаларида ўтказилаётган "Тинчлик дарслари"нинг аҳамияти катта бўлаёпти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазириликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ишлаб чиқилган услубий тавсия асосида ташкил этилаётган машғулотларда осуда ҳаёт қадри, Ватанга муҳаббат ва садоқат, юрт келажаги ҳамда равнақида дахлдорлик каби мавзуларда сўз бормоқда.

"Жасорат, бурч, матонат"

мавзудаги "Тинчлик дарслари" пойтахт вилоятидаги 870 дан зиёд умумтаълим мактабларида ҳам кўтаринки руҳда ўтаяпти. Дарс ва машғулотларни олиб боришда нафақат таълим муассасаларининг педагогик жамоаси, балки худудий Маънавият тарғибот бўлими, Хотин-қизлар кўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, шунингдек, эл ардоғидаги ижодкорлар иштирок этаётган. Оқиб дарсларга кўпни кўрган нуронийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан бир қаторда, фан, маданият, спорт соҳаларидаги муносиб хизматлари билан кўпчиликка ўрнак бўлиб келаётганлар ҳам тақдир қилинаётган учрашувлар ва мулоқотларга алоҳида мазмун ҳамда самимият бағишлamoқда.

(Давоми 3-бетда.)

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда миллий иқтисодий инновацияларни тарғиб қилиш ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг эмин-эркин фаолият кўрсатишлари учун ҳар томонлама қулай имкониятлар яратилганини эътироф этдилар.



## Саноат салоҳияти кўзгуси

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 9 фоизга туширилгани, юридик шахслар учун фойда солиғи 9 фоиздан 8, жисмоний шахслар учун 7,5 фоизга камайтирилгани ана шулар жумласидандир.

Эътироф этиш керакки, Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, 2014 йил давомида 314,6 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Пировардида 1909 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар туфайли 19320 дан зиёд иш ўринлари яратилди. Қувонarli жиҳати, воқеада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари вилоят яли худудий маҳсулотларида улуши 74,5 фоизга етди.

Ўтказиб келинаётган ушбу тадбир ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ички бозорни сифатли, арзон ва рақобатбардoш

маҳсулотлар билан тўлдиршга хизмат қилмоқда, — деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳайдар Абдураулов. — Бу галги ярмаркада Тошкент шаҳри ҳамда бир қатор вилоятлардан 160 дан ортиқ корхона вакиллари ва тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган уч юздан зиёд турдаги маҳсулотларини намойиш этидилар.

Айтиш керакки, воҳа иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос кўзгуси вазифа-сини ўтаган ушбу тадбир сурхондарёлик саноатчилар учун аини мудида бўлди. Бойсун туманидаги "Умид" корхонаси жамоаси нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларига эга бўлган 77 турдаги трикотаж маҳсулотлари тарғиботини ўтказиб, яқунда бир қатор манфаатли келишувларга эришди.

(Давоми 2-бетда.)





